Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

№ 46-47 (1512) 2024-YIL 16-NOYABR, JUMA

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги янада ошади



Кейинги йилларда соҳада олиб борилаётган ишлар кўлами ошгани эътиборга молик. Аммо айрим масалалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, кластер ва фермерларга етказиб берилаётган ҳар бир куб метр сувга республика бўйича ўртача 212 сўм харажат қилинмоқда. Бухоро, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида эса бу 2-3 баробар қиммат.

2

Партия дастури – амалда!



ТАЛАБАЛАР УЧУН

янги турар жой биноси фойдаланишга топширилди

Партиянинг кейинги беш йилликка мўлжалланган Сайловолди дастурида талабаларнинг истиқомат қилиш шароитлари билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасаси ҳузурида талабалар сонига мос равишда турар жойлар барпо этиш чораларини кўриш таклифи ҳам ўрин олган эди.

Муҳиддин ОМАД,
"Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Ана шундай хайрли ишлардан бири Наманган давлат университетида ўз ифодасини топди. Мазкур таълим муассасаси талабалари учун замонавий лойиҳа асосида 7 қаватдан иборат, 650 ўринли турар жойи биноси қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Наманган шаҳрининг Бобуршоҳ кўчасидаги ҳудудда қад ростлаган мазкур ётоқхона қурилиши учун университетнинг соф фойдаси ҳисобидан 36 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Мазкур университетда айни пайтда 17 589 нафар талаба мавжуд бўлиб, уларнинг 8 225 нафари кундузги тизимда таълим олишмоқда. Шундан 2 311 нафар талабанинг турар жойга эҳтиёжи бор.

Фойдаланишга топширилган талабалар турар-жой биносида «Беш ташаббус» хонаси мавжуд. Шунингдек, бинода ахборот технологиялари, шахмат ва пазандачилик тўгараклари учун махсус хоналар ташкил этилгани ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлабгина қолмасдан, уларни ахборот технологиялари соҳасида қўшимча билим олиши, спорт тури билан шуғулланиши, айниқса, талаба-қизларни ошхона сирларидан воқиф бўлиб боришларига хизмат қилади. Хоналарнинг барчаси зарур техника воситалари ва жиҳозлар билан таъминланган.

Энг муҳими, янги бинонинг том қисмига қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, талабалар турар жойида узлуксиз ва тежамкор электр энергиясидан фойдаланиш имкони яратилган.

Университет раҳбарияти томонидан келгусида яна 1 200 ўринли талабалар турар жойи биносини бунёд этиш режалаштирилган. Демак, қурилиш ишлари давом эттирилса, келгусида яна 2 000 нафар талабанинг турар жойга бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ



Қадрли ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар!

Ҳурматли ака-укалар ва опа-сингиллар!

Азиз ёшлар!

Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб ўлим кўрсаткичлари таркибида юрак-қон томир касалликларининг етакчи ўринда эканлиги бизга соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларини: маҳалла тиббиёт пунктларидан тортиб, юқори ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларигача ушбу соҳада зарур чора-тадбирларни кўриш, мавжуд барча имкониятларимизни жалб қилишни тақозо этмоқда.

Сўнгги 7 йилда фақатгина кардиология хизмати билан боғлиқ 3 та муҳим Президент ва 1 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар билан белгиланган чора-тадбирлар ижроси учун 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва кўламини кенгайтириш, соҳага илғор инновацион технологиялар, замонавий ташхислаш ва муолажа усулларини татбиқ қилиш бўйича амалий ўзгаришларни нафақат шифокорлар балки, бутун халқимиз ўз ҳаётларида ҳис этишни бошлади.

Шу жумладан, кардиология хизматини тўлиқ трансформация қилиш натижасида яхлит вертикал бошқарув тизими жорий қилиниб, хизмат кўрсатиш кўлами маҳаллагача туширилди. Аввалари фақатгина пойтахтда бажарилган операциялар бугунги кунда вилоят, ҳатто туман даражасида йўлга қўйилди.

Қисқа муддатда Марказнинг 12 та филиаллари ва 1 та Республика миқёсидаги Оролбўйи кардиология ва кардиохирургия Маркази ташкил этилди. Барчаси замонавий юқори технологик тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Натижада республикамиз бўйича 2024 йил 55 000 дан ортиқ беморларга зарур технологик амалиётлар ўтказилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 7 баробар кўп, минглаб беморларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ногиронликдан холис бўлишди, кардиожарроҳлик амалиётлари учун чет давлатларга фуқароларимизнинг оворагарчилиги олди олинди.

Ҳар йили 200 000 нафар эҳтиёжманд беморлар эналаприл дори воситаси билан давлат бюджети ҳисобидан таъминланяпти.

2

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ўқитувчиларимиз ҚАЧОН УСТОЗЛИК МАҚОМИГА ЭРИШИШАДИ?

Устозлик улуғ мақом. Бу номга доғ тушириш ёки шунга уриниш аслида кечириб бўлмас айб ҳисобланади. Шу боис эл орасида ушбу масалага дахлдор яхши-ёмон гап-сўзлар қўзғалган пайтда хаёлимизга "Устоз – отангдай улуғ", деган ибора келади. Лекин, гапнинг очиғи, **устозига ҳурматсизлик қилган ёки қўл кўтарган ўқувчилар ҳақида хабарлар тарқалса, қалбимга оғриқ киради.**

"ҚАЙСИ ХАТОЙИМИЗ ТУФАЙЛИ ШУ ҲОЛГА КЕЛИБ ҚОЛДИК? ҚАЕРДА АДАШДИК?" деб ўзимга савол бераман. Бу каби воқеа рўй берса, унинг атрофида фисқу фасод гаплар айланаверади. Шаъни поймол қилинган ўқитувчи қўл силтаб, мактаб билан хайрлашади. Шов-шувлар "ЎҚИТУВЧИ ЁКИ ДИРЕКТОР ИШДАН ЧЕТЛАТИЛДИ" деган хабар билан якун топади. Ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан яна шу мазмундаги ҳолат қайсидир мактабда такрорланади. Лекин, бирорта ҳолатда устозга нисбатан ҳурматсизлик қилган ўқувчи ёки унинг ота-онаси қонун олдида жавобгарликка тортилганлиги ҳақида лом-мим дейилмайди.



8

Партия ташаббуси билан

Конституция билимдонлари аниқланмоқда

"Адолат" социал-демократик партияси томонидан ҳар йили "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ўтказиб келинадиган "Конституция билимдони" кўрик-танлови жорий йилда ҳам республикамиз бўйлаб юқори савияда, ўзгача руҳда ташкил этилмоқда.

Диққат!

Обуна – 2025

"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши нашри "ADOLAT" ижтимоий-сиёсий газетасига 2025 ЙИЛ УЧУН ОБУНА давом этмоқда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100





Муносабат

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ самарадорлиги янада ошади

Маълумки, ер юзида сув танқислиги йилдан-йилга глобал тус олмоқда. Ушбу муаммо дунё давлатларининг эътибор марказидаги долзарб масалалардан бирига айланган.

Дилрабо ХОЛБОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ёзда кузатилаётган ҳаддан ташқари қурғоқчилик ва ғайритабиий жазирама ичимлик ва суғориш суви танқислигини келтириб чиқармоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларининг сезиларли даражада камайишига, ҳосилдорликнинг пасайишига, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошишига олиб келмоқда.

Бу омилларнинг барчаси минтақанинг озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам таҳдид соляпти. Глобал исиш ва рақобатнинг кучайиши эса минтақадаги сув ресурсларига босим ўтказмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 1 мартдаги *“Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги қарори минтақада кузатилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатишга хизмат қилаётир.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 миллион гектаргача, шу жумладан томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 январдаги *“Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги қарори соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Президентимиз раислигида қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам сувдан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, мутасаддилар олдига аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Албатта, бугун дунёда экологик муаммолар, табиий офатлар кўпайиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, бу неъматни асраб-авайлаш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Хусусан, 550 километр канал ва ариқлар бетонлангани эвазига 200 минг гектарда сув яхшиланди.

Фермер ва кластерлар томонидан 13 минг километр ички тармоқ бетонлашгани, сув бошқаруви ислоҳ қилиниб, туманларда сувни ҳисобга олиш тизими шаклланган, фермерлар сувни ҳисоб-китоб қилишни ўргангани ҳам бугун яхши натижа берди, десак янглишмаймиз. Шаффоф тизим йўлга қўйилгани туфайли эса бу йил ерга 2 карра кўп сув борди.

Кейинги йилларда соҳада олиб борилаётган ишлар кўлами ошгани эътиборга молик. Аммо айрим масалалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, кластер ва фермерларга етказиб берилаётган ҳар бир куб метр сувга республика бўйича ўртача 212 сўм харажат қилинмоқда. Бухоро, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида эса бу 2-3 баробар қиммат.

Шунингдек, ўрта ва майда насослар эскилиги сабабли сув таннархи ошиб кетмоқда. Бетонлаш ҳисобига йўқотиш 10-15 фоизга камайган бўлса-да, 20 та туманда бу кўрсаткич юқори. Шу каби муаммолардан келиб чиқиб, йиғилишда галдаги вазифалар белгиланди. Бу бежиз эмас. Сувни тежашга ўтиш суғориладиган ерлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг асосий ечимларидан биридир.

Сув хўжалиги соҳасида кескин ўзгариш қилишнинг яна бир йўли — бу рақамлаштириш, десак муболаға бўлмайди. Шу сабабли насос станцияларига онлайн назорат ва “ақлли сув” қурилмалари олиб келинган. Лекин улардан олинадиган маълумотларни жамлаб, таҳлил қиладиган ахборот тизими йўқ. Сув истеъмоли ва ҳисоб-китоби эса ўта мураккаб.

Бу борада вазирлик ҳузурида Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази тузилиши белгиланган айни муддао бўлди. Унда сув истеъмоли ва ҳисобини юритишнинг ягона ахборот тизими ишга туширилади. Яъни, сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш, уни бошқариш керак. Бу орқали келажакда кутиладиган сув танқислигининг олдини олиш мумкин.

Умуман олганда, сув танқислиги – глобал муаммо ҳисобланади. Бундай шароитда дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Йиғилишда белгилаб берилган вазифалар нафақат сув сарфини камайтириш имконини беради, балки яшил иқтисодиётга ўтишнинг муҳим элементига айланади.

Фармон ва ижро

Ягона электрон платформа ишга туширилди

Кейинги йилларда мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда фуқаролик жамияти институтларининг роли, аҳамияти ҳамда ижтимоий фаоллиги ошиб бормоқда.

Адҳам АҲМЕДОВ,
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллик кўрсатмоқда.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Фуқаролик жамияти институтлари” учун алоҳида боб (13-боб) ажратилиб, фуқаролик жамиятининг асоси конституциявий меъёр билан белгиланди.

Давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилиб, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун майдон яратилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш бўйича тизим яратилди.

Жорий йилнинг 26 августида қабул қилинган *“Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги фармон бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида ягона электрон платформа ишга туширилди.

Фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларни ўз ичига олувчи мазкур Платформа ажратилаётган маблағларни оқилона тақсимлаш, шаффофлигини таъминлашда барча имкониятларни, қулайликларни беради.

Фуқаролик жамияти институтларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва ишлаб чиқилаётган онлайн платформани тўлиқ автоматлаштириш ҳужжатлар алмашинувидаги замонавий ёндошувга, инсон омилисиз танловларни ўтказишга шароит яратилади.

Бундан ташқари платформанинг яна бир афзаллик томони бир нечта давлат ташкилотларидан маълумотлар олиш мақсадида маълумотлар алмашинуви ишлари амалга оширилишидир. Яъни фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир ҳужжатларни электрон тарзда интеграциялашдир.

Бунда Адлия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази билан ҳамкорликни ўрнатиш орқали талабгор ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни тўғридан тўғри олиш имконияти яратилди.

Ҳар бир талабгор ташкилот эндиликда танловларда иштирок этиш учун лойиҳаларни топшириш ва давлат субсидиясини олиш учун буюртмаларни юбориш, уларни кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнларини шахсий кабинети орқали кузатиб бориши мумкин. Бу эса рақамлаштириш даврида замон талабларидан бири ҳисобланади.

Платформада танловларнинг мавзуларини шакллантиришда нафақат фуқарлик жамият институтлари, балки кенг жамоатчилик томонидан ҳам таклифлар берилиши, уларнинг муҳокамаларда бевосита иштирок этиш имконияти яратилди.

Платформа тизим фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиб, мазкур жараёнларнинг шаффофлигини таъминлайди.

Энг муҳими, фармон фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқаруви-дағи бевосита иштироки учун янги имкониятларни очиб беради, хусусан, ижтимоий шериклик институтини амалда ривожлантириш бўйича ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратади, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш таъсирчанлигини оширади.

Тадбир

Унутилмас ва қувончли кун

Сўнгги йилларда сайёрамизда қандли диабет касаллиги тобора ёшариб бормоқда. Биргина Фарғона вилоятида 25 ёшгача бўлган ёшлар ўрасида 700 нафардан ортиқ шундай бемор рўйхатга олинган.

Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

14 ноябрь – Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни муносабати билан “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан вилоят Эндокринология маркази, вилоят Қўғирчоқ театри жамоаси ҳамкорлигида хасталикка чалинган болажонлар иштирокида хайрия тадбири ташкил этилди.

Инсон ҳар қандай шароитда ҳам эзгу мақсад сари дадил интилса, мақсадларига эришиши мумкин. Тадбир иштирокчилари орасида спорт ва китобхонлик танловларининг ғолиблари, креатив ғоялари билан ҳунармандчилик соҳасида яхши натижаларга эришаётган иқтидорли ўғил-қизлар, ёш рассомлар борлиги эътиборга сазовор. “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Шаҳноза Ғаниева мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, айниқса, келажагимиз бўлган ёш авлод саломатлиги муҳофазасига қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрликлар ҳақида сўз юритиб, энг фаол ёшларга партиянинг эсдалик совғаларини топширди.

– Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, касалликни эрта аниқлаш ва даволаш орқали халқимизнинг саломатлиги муҳофазасига муносиб улуш қўшиш ҳамиша долзарб вазифалардан биридир. Бугунги тадбир ҳам ўғил-қизларимизни руҳан-маънан қўллаб-қувватлаш орқали уларга байрамона кайфиятни бахш этишга, барча тенгдошлари қатори эзгу мақсадларини амалга ошириш учун курашиб яшашга даъват этишга қаратилганлиги билан биз учун қадрли, **– дейди эндокринология маркази шифокори Муқаддас Узоқова.**

Тадбир давомида Фарғона вилоят Қўғирчоқ театри жамоаси томонидан “Қувончли кун” спектакли намойиш этилди.

– Бугун биз учун жуда ҳам унутилмас кун бўлди, **– дейди Нодирахон Қосимова.** *– Кўп дўстларим қатори совғалар олдик. Спектакль томоша қилдик. Мириқиб дам олдик. Бунинг учун барча ташкилотчиларга раҳмат.*

– Қизим Мунисахон Аҳмаджонова 7 ёшга тўлди. Бир йилдирки, диабет касаллиги билан курашиб келамиз. Эндокринология маркази шифокорлари, ҳамшираларига катта раҳмат. Айниқса, Оҳистахон Каримова, Муқаддамхон Узақоваларни алоҳида қадрлаймиз. Улар болаларимиз саломатлигини доимий назорат қилиб, барча ёрдамни бериб келишяпти. Бугун болажонларимизнинг кўзларидаги шодликни кўриб ҳаммамизнинг севинчимиз ичимизга сиғмайди. Ўғил-қизларимизнинг ҳаётга бўлган муҳаббати ва ишончи янада ортди. Қизим эндокринолог шифокор бўлмоқчи. Тинимсиз ўқиб-ўрганади. Келажакда ўзи сингари болаларни даволамоқчи, **– дейди Умидахон Мўминова.**

Тадбирга кўплаб тадбиркорлар ўз совғалари билан келиб, болажонларга қувонч улашдилар ва ўзларининг самимий тилакларини билдирдилар.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

40 ёшдан ошган аҳоли қатламини “Соғлом юрак” скрининг дастуридан ўтказиш натижасида янги аниқланган юрак хасталиги билан 630 000 нафар фуқароларимиз диспансер назоратига олинди ва соғломлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Скринингдан олдин “Д” назоратида 1 650 000 беморлар турган бўлса, ўтказилган скринингдан кейин уларнинг сони 30 фоизга ошди ва 2 230 000 беморларни ташкил этди.

Марказ ҳамда унинг минтақавий филиаллари мутахассислари томонидан ҳудудларда ҳар йили скрининг дастурлари ҳамда соғломлаштириш ишлари изчил давом эттирилади.

Эришилган ютуқлар, аҳолининг замонавий даволаш ва диагностика усулларига бўлган эҳтиёжини қондириш, саломатлигини тиклаш чора-тадбирларига қарамасдан, бугунги кунда, бутун дунёда, шу жумладан, республикамизда ўлим кўрсаткичлари таркибида юрак-қон томир касалликларининг кўрсаткичи юқорилигича (2023 йилда 61.1 %) қолмоқда.

Бундан ташқари, сўнгги илмий-тадқиқот натижаларига кўра, 18 ёшдан катта аҳолининг 38 фоизида артериал гипертензия мавжудлиги, 36,2 фоиз аҳолида кам ҳаракатлик, 36,6 фоизда ош тузини меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш каби хавф омиллари сақланиб қолмоқда.

Мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан биз тиббиёт ходимларига билдирилган юксак ишончни оқлаш, яратилаётган имконият ва шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш мақсадида, аҳолига кардиологик ва юқори технологик кардиожарроҳлик ёрдами кўрсатиш сифатини янада ошириш ҳамда бундай муҳим тиббий амалиётни туманлар даражасига тушириш бўйича 2025 йил учун бир қатор устувор вазифаларни белгилаб олдик. Жумладан:

Биринчидан, туман (шаҳар) тиббиёт муассасаларида Эхокардиография ва Холтер-ЭКГ замонавий кардиология ускуналари ва коагулометр билан тўлиқ жиҳозлаш хисобидан янги турдаги диагностика амалиётлар сонини 15 тага ошириш татбиқ қилинади.

Тошкент вилояти (Бекобод тумани), Сурхондарё вилояти (Денов туманида), Наманган вилояти (Наманган шаҳрида) юқори технологик тиббий ёрдам турларини ошириш, мутахассислар билан биргаликда бифуркацион стенозларни стентлаш, ўткир коронар синдромда диагностика ва даволаш тактикаси бўйича мутахассислар маҳорати оширилади.

Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида маҳаллий мутахассислар томонидан мустақил равишда эндоваскуляр йўл билан септал деффектларни окклюдер билан ёпиш, кардиожарроҳликда миниинвазив ёндашув бўйича маҳорат курсларини ўтказиш, мобил электрофизиологик гуруҳ чиқишларида РЧА бўйича амалий кўникмаларни ошириш ва эндоваскуляр симуляцион маҳорат дарслари ўтказилади.

Сурхондарё, Жиззах, Андижон ва Фарғона вилоят филиалларида, марказнинг юрак аритмиялари ва радиочастотали абляциясини электрофизиологик ўрганиш учун мобил ускуна тўплами орқали мураккаб радиочастотали абляция амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилади. Натижада 5 турдаги тахиаритмиялар филиалларда даволанади.

Бунинг натижасида беморларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб хорижга, пойтахтимиз ва вилоятлар марказларига қатнашига барҳам берилади.

Иккинчидан, туман шифохоналарида фаолият олиб бораётган 1 060 нафар мутахассислар иш жойининг ўзида малакасини оширади, вилоят муассасаларидаги 50 нафар, Марказдаги 46 нафар мутахассислар 7 та чет давлатлардаги нуфузли клиникаларда малакасини оширади.

Марказ ва вилоят филиалларидан 12 та нозологиядаги кардиологик касалликлар муаммолари бўйича 40 нафардан ортиқ мутахассис илмий изланишларини олиб боряпти ва илмий натижалари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Жумладан, миниинвазив кардиожарроҳлик, уриб турган юракда ўтказиладиган клапан касалликларини жарроҳлик йўли билан даволаш, интервенцион амалиётлар, эндоваскуляр аритмология усулида бўлмачалар фибрилляцияси ва мураккаб юрак аритмияларини даволашнинг 3-D Carto тизимида янги даволаш усуллари, коронар томирлар касалликларини ноинвазив диагностикаси, нур ташхислаш усуллари, юрак касалликларининг молекуляр-генетик диагностикаси, оилавий гиперхолестеринемия муаммолари, қандли диабетнинг юрак-қон томир асоратлари мавзуларида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Учинчидан, ихтисослашган тиббий ёрдам хизматини туман даражасида кўтариш мақсадида Марказ ва унинг филиаллари 2025 йилда ҳар бир ҳудуддан 2 тадан (жами 28 та) туман ҳамда шаҳарларни намунавий ва илғор қилишга кафолат беради.

Тўртинчидан, кардиология йўналишида илмий тадқиқотлар кўламини ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш учун юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш, асоратларнинг олдини олиш ва кардиореабилитация борасидаги долзарб муаммоларни тадқиқ қилиш бўйича 5 та амалий тадқиқотлар, дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилади.

Бешинчидан, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатимиз кардиологик хизматининг мавқеи ва нуфузини ошириш, шунингдек, тажриба алмашиш, маҳаллий мутахассисларга маҳорат дарслари ўтказиш, янги технологияларни амалиётга жорий қилиш ва ҳудудларда тиббий кўриклар ва операцияларни ўтказиш мақсадида 6 та давлатдан (Хитой, Италия, Россия, Туркия, Беларус, Озарбайжон) 19 нафар мутахассислар ташрифи амалга оширилади. Бундан ташқари, кардиология соҳасида тиббий туризмни ривожлантириш тадбирлари амалга оширилади.

Олтинчидан, Марказ ва ҳудудий филиалларда функционал диагностика хоналари, компьютер томография бўлимлари, юқоритехнологик амалиёт бўлимларида дастурий таъминот ва сунъий интеллект дастурлари татбиқ қилиш орқали кардиологик хизматини яхшилаш чоралари кўрилади.

Давлат-хусусий шериклиги асосида Марказнинг фойдаланишга яроқсиз бўлган биноси негизида 6 қаватли кўп тармоқли клиника биносини қуриш ҳамда тўлиқ жиҳозлаш (МРТ, МСКТ, Ангиограф, рентген ускуналари ва ҳ.к.) ишлари амалга оширилади.

Ҳурматли юртдошлар, азиз ҳамкасблар!

Ишончимиз комил, барчамиз бугунги ислоҳотларни чуқур англаган ҳолда, уларни амалга оширишда фаол иштирок этсак, ҳалол ва фидокорона меҳнатимиз билан, албатта, янада юксак марраларни забт этамиз.

Шу ўринда, халқимиздан саломатлигини, шу жумладан, юрак-қон томир касалликларининг олдини олишда барчамиз ҳамжиҳатликда ҳаракатларни амалга оширишимиз муҳимлигини, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, бадантарбия қилиш, “Соғлом таом” тамойили асосида тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликни кундалик эҳтиёж сифатида шакллантиришни сўраб қоламан.

Зеро, ҳар қандай касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш афзаллигини алломаларимиз томонидан кўп ва хўп таъкидланган. Шунинг учун биз, шифокорлар профилактика учун, халқимиз эса ўз соғлиғини асраш ва шифокор тавсиясини бажариш учун масъул бўлиши керак.

Биз халқимизнинг саломатлигини ишончли ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли йўлда бор куч ва имкониятларимизни тўлиқ сафарбар қиламиз.

Хуршид ФОЗИЛОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТЛАР ва ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА “АДОЛАТ” СДПдан САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси



ЮСУПОВ Адилбек Бахтиёрович,
16-Уллибоғ сайлов округи



АЛЛАБЕРГЕНОВА Урингул Тухтабаевна,
17-Калтаминор сайлов округи



АБДУЛЛАЕВА Яхшибека Атамуратовна,
24-Гулистон сайлов округи



АИТБАЕВА Рузибика Аматовна,
25-Навбаҳор сайлов округи



ИРИСБЕКОВА Каммуна Наринбаевна,
34-Тўлқин сайлов округи



ПАЛВАНОВА Фатима Маратовна,
58-Тоза йўл сайлов округи



САДЫКОВ Кошкарбай Тенгелбаевич,
59-Қамиш ариқ сайлов округи



БЕРДИХАНОВ Жалгасбай Пиримбетович,
60-Тазғара сайлов округи



ЖУМАНАЗАРОВ Ануарбек Жолдасбаевич,
64-Қаракўл сайлов округи

Андижон вилояти



МАДАЗИМОВ Мадамин Муминович,
3-Бўстон сайлов округи

Андижон вилояти



ТОЙЧИЕВА Насибахон Сайфутдиновна,
23-Автомобилчи сайлов округи



ХУЖАМБЕРДИЕВ Мамазаир,
28-Мингтепа сайлов округи



НУРИДДИНОВ Абдужаббор Мухтаржонович,
48-Жонобод сайлов округи



ХУДАЙБЕРДИЕВ Кобил Турсунович,
55-Қўнжи сайлов округи

Бухоро вилояти



ИКРОМОВА Феруза Ахатовна,
4-Дилкушо сайлов округи

Бухоро вилояти



РАВШАНОВА Гулчера Махамматовна,
6-Дўстлик сайлов округи



САДИЛЛАЕВ Шохрухали Шарофович,
7-Отбозор сайлов округи



ЯВМУТОВ Дилшод Шойимардонович,
18-Янгикент сайлов округи



ПАРДАЕВА Марҳабо Давлатовна,
20-Ромитан сайлов округи



ЖАРИЛКАСИНОВА Гаухар Жанизаковна,
22-Чилонғу сайлов округи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТЛАР ва ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА “АДОЛАТ” СДПдан САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР

Бухоро вилояти



САФАРОВ Жаҳонгир Орипович,
31-Қалмақон сайлов округи



ХАМРАЕВ Ибрахим Шайкулович,
48-Дарғали сайлов округи

Наманган вилояти



ДАВЛАТОВ Исломжон Элмурод ўғли,
1-Тошматов сайлов округи



ОДИЛОВА Улуғой Усарқуловна,
3-Умрзақов сайлов округи



ДЕХКАНОВ Наримон Бурхонжонович,
8-Шуркент сайлов округи



ҲАМДАМОВ Ғуломжон Исломжонович,
18-Косонсой сайлов округи



ШЕРАЛИЕВ Дилшод Нурмухаммедович,
47-Норинкапа сайлов округи



АППАҚОВ Мусахон Пўлатович,
51-Бобур сайлов округи



ХАТАМОВА Дурдона Мадаминовна,
52-Янгиқўрғон сайлов округи

Навоий вилояти



РИЗАЕВА Раъно Барноевна,
7-Нарпай сайлов округи



ЎРОҚОВА Гулчехра Ражаббоевна,
16-Ободдиёр сайлов округи



ШАМСИЕВА Дилором Мардоновна,
18-Тошработ сайлов округи



ХАЙИТОВ Рустам Бурхонович,
21-Навбаҳор сайлов округи



ИСТАМОВ Садулло,
23-Кескантерак сайлов округи



БАХРАНОВА Зоя Анатольевна,
29-Марварид сайлов округи

Самарқанд вилояти



ТАТАРЕНКО Тамара Павловна,
7-Истиқлол сайлов округи



ЮСУПОВА Зебинисо Абдусаттаровна,
19-Гулистон сайлов округи



УЛУҒМУРОДОВ Элёр Сайдуллаевич,
27-Ўртақишлоқ сайлов округи



БОБОХОНОВ Мавлон Рахматиллаевич,
34-Оқтош сайлов округи



КЕНЖАЕВА Наргиза Куватовна,
38-Хумор сайлов округи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТЛАР ва ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА “АДОЛАТ” СДПдан САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР



БОБОКУЛОВА Инобат Мелиевна,
41-Мевали сайлов округи



КУЧКАРОВА Гулбека Алламуратовна,
43-Жума сайлов округи



ДЖАХАНГИРОВ Толиб Музаффарович,
48-Даштак сайлов округи



САЙФИДДИНОВА Мухиба Тошпулотовна,
51-Сочакиболо сайлов округи



ЖАЪФАРОВА Нилуфар Жахонгировна,
54-Ургут сайлов округи



ОҚБЎТАЕВ Ҳиммат Қўчқорович,
56-Тўрткўл сайлов округи

Сирдарё вилояти



АБДУЛЛАЕВА Дилшунос Адхамовна,
5-Соҳил сайлов округи



КОМИЛОВ Жамол Мустафакулович,
14-Юксалиш сайлов округи



ЭЛМУРАДОВ Салохиддин Хомидкулович,
22-Тинчлик сайлов округи



АББАСОВА Гулноз Исаевна,
26-Янги ҳаёт сайлов округи



УМЕРОВА Дилфуза Абдурахимовна,
36-Марифат сайлов округи

Сурхондарё вилояти



ХОЛЛИЕВА Шоҳида Бойматовна,
3-Кўҳитанг сайлов округи



НАЗАРОВА Саломат Холлиевна,
17-Намуна сайлов округи



ХУДОЙҚУЛОВА Жамила Зияевна,
23-Янги ҳаёт сайлов округи



ҲОЖИБОЕВ Илҳомжон Исломжонович,
39-Ўзбекистон сайлов округи

Тошкент шаҳри



КАРИМОВА Нодира Баходиржановна,
4-Нодирабегим сайлов округи



МАТИБАЕВ Тасполат Балтабаевич,
8-Файзабод сайлов округи



ХИКМАТОВА Луиза Анваровна,
9-Қорасарой сайлов округи



АКРАМОВА Франгиза Қодир қизи,
11-Мойқўрғон сайлов округи



АБДУХАЛИМОВ Бахром Абдурахимович,
18-Учувчилар сайлов округи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТЛАР ва ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА “АДОЛАТ” СДПдан САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР

Тошкент шаҳри



ЭРГАШЕВ Хусниддин Абдуллаевич,
32-Кўкча сайлов округи



МАННОПОВА Фотима Саид қизи,
35-Мустақиллик сайлов округи



САИФНАЗАРОВ Сухраб Исмаилович,
43-Дўстлик сайлов округи



ТУРАБЖАНОВ Садритдин Махаммадинович,
50-Истиқлол сайлов округи



ДАМИНОВ Ботир Тургунпулатович,
56-Юнусота сайлов округи

Тошкент вилояти



САРМАНОВ Фаррух Ахмадалиевич,
3-Ким Пен Хва сайлов округи



АРТИКОВ Бехзод Равшанович,
10-Далвари сайлов округи



МАМАТКУЛОВ Шерзод Жулибоевич,
11-Зафар сайлов округи



УМАРОВА Гулираъно Абдимуталовна,
18-Алимкент сайлов округи



КОСИМОВ Бахтиер Зокирович,
21-Дустобод сайлов округи



МАЯКУБОВ Равшан Тулкинович,
26-Ахил сайлов округидан



МАХАМАДАЛИЕВА Дилорам Шалаьиповна,
36-Хасанбой сайлов округи



АХМЕДОВА Гулнора Абдуллаевна,
39-Ёнариқ сайлов округи



ХАЛИКОВА Ольга Андреевна,
44-Дўстлик сайлов округи



ЭРМАТОВ Улугбек Хомимуродович,
48-Газалкент сайлов округи

Фарғона вилояти



ЭРГАШЕВ Шукурулло Зикруллаевич,
58-Оҳангарон сайлов округи



ҒАНИЕВА Шахноза Маъмировна,
5-Беруний сайлов округи



МЕХМОНОВА Дилором Дадажоновна,
6-Ш.Рашидов сайлов округи



КАРИМОВ Шерзод Адхамджанович,
13-Ёрқин сайлов округи



ЖУМАБОЕВ Нодиржон Эркинович,
22-Янгиқўрғон сайлов округи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТЛАР ва ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА “АДОЛАТ” СДПдан САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР

Фарғона вилояти



РАХМОНОВ Баходир Тожиевич,
23-Бегобод сайлов округи



ЯКУБЖОНОВ Равшанжон Дадамирзаевич,
26-Мулкобод сайлов округи



РАХМАНОВ ЗАКИРЖОН,
27-Оқжар сайлов округи



НИШОНОВ Субхонали Тураевич,
43-Сўх сайлов округи

Қашқадарё вилояти



ШАРАПОВА Мухаббат Араповна,
1-Қашқадарё сайлов округи

Қашқадарё вилояти



РАУПОВ Руиддин Пулатович,
2-Темирйўлчи сайлов округи



ЗОИРОВА Азиза Ибрагимовна,
10-Деҳқонобод сайлов округи



АХМАТЖОНОВА Севара Акрамовна,
22-Кат сайлов округи



КАМОЛОВ Азизжон Аминович,
24-Денов сайлов округи



ИРКАЕВ Абдурахим Панджиевич,
36-Қўнғиртоғ сайлов округ

Хоразм вилояти



ТУРДИЕВ Фаррух Абдуллаевич,
47-Соҳибкор сайлов округ



ЯНГИБОЕВА Юлдуз Абдирахматовна,
57-Чойдори сайлов округи

Хоразм вилояти



САГИРОВ Анвар Мидхатович,
2-Ал-Хоразмий сайлов округи



ХУДАЙБЕРГАНОВА Майсара Бектурдиевна,
9-Ўғизработ сайлов округи



ИСМОИЛОВА Дилдора Ўктамовна,
13-Қўшкўпир сайлов округи

Хоразм вилояти



ЖУМАНИЯЗОВ Қудрат Атабаевич,
20-Бекобод сайлов округи



САДИКОВ Садикжон Бабаевич,
30-Томадургадик сайлов округи



ҚУРЯЗОВ Улуғбек Махмуджонович,
32-Навоий сайлов округи



ДАВЛЕТОВ Хуршид Юлдашевич,
35-Чиғатой сайлов округи



ҒАИБОВ Ғайрат Камулович,
37-Янгиариқ сайлов округи

Жиззах вилояти



СОАТОВ БАХТИЁР Ахматович
4-Истиқлол сайлов округи



РАХМОНОВ ЖОНИБЕК Рахмонович
21-Зарбдор сайлов округи



НАЗАРОВ Баходир Сулаймановович
23-Зафаробод сайлов округи



Ўқитувчиларимиз

ҚАЧОН УСТОЗЛИК МАҚОМИГА ЭРИШИШАДИ?

Дониёр ТОШПЎЛАТОВ,
НамДУ педагогика факультети таълим-тарбия маслаҳатчиси

Ўқитувчи ёки ўқувчи билан боғлиқ биздагидай машмашалар чет элларда ҳам содир бўладими, йўқми, билмадим, лекин ривожланган давлатларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар, аввало, таълим тизимидан бошланганига гувоҳлигимиз бор. Бирор ижтимоий тармоқда тармоқда фалон давлатда ўқувчи устозига қўл кўтарибди ёки аксинча, ўқитувчи ўқувчини калтаклабди, деган хабарни эшитмаймиз. Аксинча, хориждаги ўқитувчининг обрўси билан боғлиқ шарт-шароит, қонун-қоидалар ҳақида ижтимоий тармоқлар ёки оммавий нашрларда тарқатилган маълумотларни ўқиб, ҳайратланамиз. Бундан шу нарса маълум бўладики, ҳар ким ўзида борини тарғиб қилади. Масалан, ишончли манбаларда маълум қилинишича, **Жанубий Кореяда ўқитувчи итоатсиз ўқувчиларни жисмоний жазолаш ҳуқуқига эга бўлиб, болаларнинг кафтларига калтак билан уриши мумкин ва бунинг учун ота-оналар мутлақо эътироз билдирмас экан. Германияда ўқувчи дарсдан қочса, бу иш билан вояга етмаганлар хизмати машғул бўлиб, тегишли чора кўради. Ойига 3 кундан ортиқ сабабсиз дарс қолдирган ўқувчилар ҳақида мактаб маъмурияти полицияга хабар берса, айбнинг катта-кичиклиги ҳисобга олиниб, жавобгар шахслар 1000 дан 2500 еврогача жаримага тортилади. Францияда эса ўқувчи ойда тўрт мартадан кўп дарс қолдирса, 150 долларгача жарима тўлар ва ўқишни қолдириш боланинг таълимига таъсир қилаётган бўлса, уларнинг ота-оналари 2 йиллик қамоқ жазоси ва 33 минг доллардан ортиқ миқдорда жаримага тортилар экан.** Куни-кеча Қирғизистондаги мактабларнинг бирида бир аёл синф хонасига кириб, ўқитувчига тазйиқ ўтказгани учун жавобгарлик иши очилгани маълум қилинди. Ибратли ва қизиқ-а! Нега бизда шундай жазо чоралари қонунлаштирилмайди? Балки бордир, бироқ юз-хотирлик қилиб, хаспўшлаймиз...

Ушбу ҳолатларни ўрганиш ва ўз мулоҳазаларим билан ўртоқлашиш мақсадида мавзуга дахлдор мақола ёзиш ниятида юрган пайтимда, иттифоқо, тарих фанлари номзоди Бахтиёр ака Исоқов билан учрашиб қолдим ва вазиятдан фойдаланиб сўрадим:

– Бахтиёр ака, тажрибали устоз сифатида айтинг-чи, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги можароларнинг давомийлигига сабаб нима? Бундай хунук воқеаларнинг асл айбдори шахсми ёки шароит?

– *Ўқитувчилик ва шифокорлик илоҳий,* – деди Бахтиёр ака, – *иккиси учун чегара йўқ. Хоҳлайдими-йўқми, умрининг охиригача ўқитувчи ҳам, шифокор ҳам касбидан алоҳида яшолмайди. Агар икки касб эгасининг хаёли тирикчилик ва етишмовчилик билан банд бўлса, улар ҳеч қачон ўз касбининг эгаси бўлолмайди. Масалан, ўқитувчи ўқувчига янги гапни айтиши керак. Китобдагисини ўқувчининг ўзи ўқиб олаверади. Ўз устида ишлаш у ёқда қолиб, далага экиб қўйган пиёз, сабзи, карами ҳақида ўйлайдиган ўқитувчини "устоз" деб бўладими? Ахир дарс жараёнида унинг фикри-хаёли даласида бўлади-ку! Устознинг хаёли даласида бўлса, шогирднинг хаёли қаерда бўлади?*

Одам қобилиятли бўлиши мумкин, лекин вақтини бошқа нарсага сарфласа, ундан наф йўқ...

Ўртамизда бўлиб ўтган қисқа савол-жавоб калаванинг бир учини топишга ёрдам берди.

Ўтган замонларда диёримиздан шу қадар кўп устозлар етишиб чиққанки, улар шарофати билан дунё аҳли орасида қаддимизни тик тутиб юрибмиз.

Бугун нега ўша анъаналарни давом эттирмаяпмиз? "Илгари ўқитувчининг обрўси баланд эди", дейдиган ота-оналар бугун нега бефарқ? Бугунги замонда ўзига тўқ киши фарзандини ўқитиш учун билим эмас, пул муҳим, деб ўйлайди. Бундан руҳланган бола, албатта, ўқишга эътибор қаратмайди, ўқитувчини менсимайди. Ваҳоланки, **Францияда бойлар ўз яшаш жойлари билан мақтаниш учун ўқитувчилар билан бир ҳудудда яшашга интилса, Японияда ўқитувчи соясини топтамаслик учун ундан етти қадам ортда юришга даъват этилади. Швецияликлар фарзандлари ўқитувчиликни танласа беҳад хурсанд бўлишади.** Демак, қайсидир пулдорга, бойваччага эмас, ўқитувчи-устозга бўлган ҳурматнинг юқори экани ҳисобига ўша давлатларда илм-фанда ва иқтисодиётда ўсиш юқори суръатда давом этмоқда.

Ўтган аждодларимиз нафақат устозининг ўзини, балки унинг яқинлари ва ҳатто унинг ҳамюртларига ҳам ҳурмат бажо келтирган. Айни замонда ҳам, эсдан чиқармайлик, чет элларда буюк боболаримиз туфайли қанчалик ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб келяпмиз.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа: **"Устозим Ҳаммоднинг ҳурмати учун унинг уйи томонга оёғимни узатмаганман. Ҳолбуки, унинг уйи билан менинг уйим орасида еттита кўча бор эди. Ҳаммод вафот этгандан сўнг қачон намоз ўқисам ҳар сафар, албатта, ота-онамга қўшиб, унга ҳам Аллоҳдан мағфират сўраганман",** деган экан.

Шундай юксак мартабага эришиш учун устоз мақомидаги киши ҳар бир босган қадами ва амаллари билан каттаю кичикка бирдек ибрат бўлиши керак. Улуғлик мақомига эришган устозларнинг кўпчилиги шундай сифатларга эга бўлишган. Афсуски, бугунги замон ўқитувчиларининг баъзилари юқорида тилга олинган хислатлардан узоқда. Ўқитувчи бўла туриб, ахлоқсизлик қилаётганлар озми? Устоз барча ўқувчига бирдек муносабатда бўлиши керак. Бироқ бир синфда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларни кимнинг фарзанди эканига қараб муомала қилиш, баҳолаш, рағбатлантириш каби ҳолатлар урчиб ётибди. Бу ҳолат нафақат тенгсизлик аломати, балки болани келажак ҳаётига путур етказиш белгиси ҳам. Ўқитувчисининг маиший бузуқ эканидан хабардор бўлган ўқувчи қандай қилиб уни ҳурмат қилсин? Ўз ўқувчиси билан муштлашиб юрадиган кишини устоз деб бўладими? Фикру хаёлида бемаза фикрлар изғиб юрадиган одам устозлик қила оладими? Таъма иллат экани ҳақида оғиз кўпиртириб, ўқувчиларига тарбиявий сабоқ бераман деб, вақтини беҳуда совуриб юрадиган ўқитувчи, бетини қаттиқ қилиб, дарсга келмаган ўқувчидан пул сўрайдиган ёки ниманингдир эвазига чорак баҳоларини яхшилаб беришга шама қиладиган устоз қайси юз билан шогирдидан иззат талаб қила олади?

Ўзим мактабда сабоқ берган кўплаб устозларимни ҳали-ҳануз ҳурмат билан эслайман. Айни пайтда ана ўша устозларнинг фарзандлари ва набиралари анъанани давом эттириб, қишлоғимиздаги учта мактабда ота-боболари изидан бориб, ўқитувчилик қилишмоқда. Ҳар бирининг ўзига яраша обрўси бор. Устозларим ҳурматидан уларни ҳам иззатини жойига қўяман. Менимча, ўқитувчиликда сулола яратган бундай оилаларнинг давомчиларига ҳам олий ўқув юртларига киришда давлат имтиёзлари қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли изланувчан устозларнинг даромадлари ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бунга Тошкент шаҳрида жойлашган Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси, 23 ёшли Моҳира Болтаевани мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. 2019 йилда кимё бўйича халқаро олимпиадада кумуш медални қўлга киритган **Моҳира Болтаева айни пайтда ўқувчиларини халқаро олимпиадаларда иштирокини таъминлаб, сўнгги уч йиллик натижарига кўра умумий ҳисобда 1 миллиард сўм мукофот олишга эришган.** Бундай ўқитувчилар сафи таълим соҳасида йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

МЕНИМЧА, ЎҚИТУВЧИЛАРНИ АТТЕСТАЦИЯ ВА ТУРЛИ СИНОВЛАРДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ СОДДАЛАШТИРИШ КЕРАК. МАСАЛАН, СИНОВ ВА АТТЕСТАЦИЯЛАРНИ ЁЗГИ ТАЪТИЛ ПАЙТИДА ЎТКАЗИБ, ҲАР ҚАНДАЙ ЎҚИТУВЧИНИНГ ЭРИШГАН НАТИЖАСИ, ЯЪНИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ОЛИМПИАДАЛАРДАГИ САМАРАЛИ ИШТИРОКИГА ҚАРАБ БАҲОЛАБ БОРИЛСА, МАҚСАДГА МУВОФИҚ БЎЛАРДИ.

Ўқувчилар масаласида тўхталадиган бўлсак, *АВВАЛО УЛАРНИНГ АХЛОҚИ БИРИНЧИ ЎРИНГА ҚЎЙИЛИШИ ЗАРУР. БУ БОРАДА ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ҚАТЪИЙ ШАРТНОМА ТУЗИБ, УЛАРДА ФАРЗАНДИНИНГ КЕЛАЖАГИ УЧУН МАСЪУЛЛИГИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЗИМ. БОЛАНИНГ ҚАНДАЙ ИҚТИДОРГА ЭГА ЭКАНИ ОИЛАБОШИЛАРГА МАЪЛУМ. ЎҚИШГА ИШТИЁҚИ ЙЎҚ БОЛАНИ МАЖБУРЛАБ ЎҚИТИБ БЎЛМАЙДИ. УНИНГ ҚИЗИҚИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, ҲУНАР СИРЛАРИНИ ЎРГАТИШГА ЙЎНАЛТИРИШ КЕРАК. Японлар болани кичик ёшидан меҳнатга ўргатади. Болалар синфхоналарини ва мактаб ҳовлисига қўшиб, ҳожатхонани ҳам ўзлари тозалайдилар.* Мактабларда интизомга қатъий риоя қилинади. Кеч қолиш, бўяниш ёки формасиз дарсга кириш жисмоний меҳнат ёки дарра билан жазоланади. Бизда бундай тарбия ҳақида оғиз очиб бўлмайди.

Ҳусайн Воиз Кошифий шогирд одоби ҳақида шундай дейди: **"Устоз қабулига кирганда ёки устозини кўрганда, биринчи бўлиб салом бериш; устознинг олдида оз гапириш ва бошни олдинга эгиб туриш, кўзни ҳар томонга югуртирмаслик; агар масала сўрамоқчи бўлса, олдин устоздан ижозат олиш; устоз жавоб айтганда, эътироз билдирмаслик; устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик; ўтириб-туришда ҳурматни тўлиқ сақлаш.**

Шогирднинг руҳий оламининг замини – поклик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, садоқат, меҳр-мурувватлилик, касб танлаш имконияти, ватанпарварлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, хушмуомалалик, озодалик, покизалик, самимийлик, зийраклик, ташаббускорлик, инсофлилик, ростгўйлик, ор-номуслилик, ҳамжиҳатбарорлик, андишалик, катталарни ҳурмат қилиш, соф муҳаббатни қадрлаш, вазминлик, тўғрилик, устозини ҳурматлаш, ота-онасини ҳурматлаш кабилардир".

Менимча, Кошифийнинг бу тавсияларини ЯПОНЛАР АЛЛАҚАЧОН ПУХТА ЎЗЛАШТИРИБ, ТАРБИЯ МАЗМУНИГА АЙЛАНТИРИБ ОЛИШГАН. БИЗ ЭСА, БУ ЭСКИ ЗАМОН ТАРБИЯ УСЛУБИ, ДЕБ ХУЛОСА ЧИҚАРАМИЗ. ТАРБИЯНИНГ ЯНГИСИ БЕТГАЧОПАРЛИКМИ, БЕЗБЕТЛИКМИ ЁКИ ЎЗБИЛАРМОНЛИКМИ? АГАР ШУ ЯНГИЧА ХИСЛАТИМИЗ ФОЙДАМИЗГА ИШЛАГАНДА ТАСЛИМ БЎЛАРДИК. ЛЕКИН ФАҚАТ ЗАРАРИМИЗГА ИШЛАЯПТИ-КУ! НЕГА КЎЗИМИЗ ОЧИЛМАЙДИ?

АСЛИДА ТАРБИЯСИЗ ОИЛАНИНГ БОЛАСИ ҲАМ ЎЗИГА ЎХШАГАН БЎЛАДИ. ҲЕЧ ҚАЧОН ҚУЁННИНГ БОЛАСИ БЎРИ, ЧАЁННИНГ БОЛАСИ ЧИГИРТКА БЎЛМАЙДИ. АСАБИНИ ЖИЛОВЛАЙ ОЛМАЙДИГАН ЎҚИТУВЧИГА ҲАМ, УСТОЗИНИ ҲУРМАТ ҚИЛМАЙДИГАН ЎҚУВЧИГА ҲАМ ЖИДДИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ КЎРИЛИШИ КЕРАК.

Шу ўринда фарзанд тарбияси ва унинг таълим олиши ҳақида гап кетганда, устоз Оқшамсиддин, Мурод Иккинчи ва унинг тўполончи ўғли Султон Муҳаммад ҳақидаги воқеа ҳамма учун ибрат бўла олади, деб ўйлайман. Оқшамсиддин Мурод Иккинчи билан маслаҳатлашиб, унинг ўғлини тартибга солиш учун бир режа тузишади. Режага асосан устоз Оқшамсиддин дарс пайтида рухсатсиз кириб келган Мурод Иккинчининг (розилиги билан) юзига тарсаки тортади. Бу ҳол устозни менсимай, ҳурматсиз қилиқлар қилувчи шаҳзодани тартибга солган ва у охир-оқибат Фотиҳ Султон Муҳаммадхон бўлиб тарихда ўчмас из қолдирган.

Бу ибратли воқеа ҳақида кўп гапириб келинади. Лекин орамизда ҳеч бир мансабдор Мурод Иккинчи амалга оширган ишни такрорлашни ўзигача эп кўрмайди. Агар шу ишни кимдир уддаласа эди, унинг ҳам арзандаси Истанбулни фатҳ қилган Султон Муҳаммадхон сингари буюк шахс сифатида тарихда қолар ва ўзи эса бир умр ибратли ота сифатида тилга олинадиган бўлармиди?!

Хикмат

Бир рассом гўзал расм чизди. Ва уни кўпчилик йиғиладиган жойга қўйиб, синаб кўрмоқчи бўлди. Расмни қўйиб, тепасига ёзиб қўйди: "Кимда-ким бу расмда озгина бўлсада камчилик кўрса, устига қизил қалам билан белги қўйсин".

Кечқурун келиб қараса, расм қизил бўёққа тўлиб кетибди. У устози олдига бориб расмдан воз кечмоқчилигини айтади.

– Йўқ, – деди устози унга. – Сен яхшиси иборани ўзгартир: ким расмда камчилик кўрса, уни тузатсин, деб ёзиб қўй.

Рассом устозининг айтганини бажарди. Буни қарангки, орадан бир неча кун ўтса ҳам, расмга ҳеч ким яқинлашмади.

– Кўрдингми, – деб кулди рассомнинг устози. – Бу ҳаётда ҳамма нарсадан хато топадиганлар кўп, бироқ шу хатони тузатадиган – ислоҳ этадиганлар жуда кам.

ADOLAT
Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Зуҳра ИБРАГИМОВА, Наримон УМАРОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1100

Адади – 3 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.